

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЛЕВОМИН

**Препаратнинг савдо номи:** Левомин

**Таъсир этувчи модда (ХМБН):** левофлоксацин

**Дори шакли:** инфузия учун эритма

**Таркиби:**

100 мл эритма таркибида:

*фаол модда:* сувсиз 100% левофлоксацинга қайта ҳисоблаганда левофлоксацин гемигидрати 500 мг;

*ёрдамчи моддалар:* натрий хлориди, динатрий эдетати, эритилган водород хлорид кислотаси, натрий гидроксиди, инъекция учун сув.

**Таърифи:** сариқ рангдан яшил-сариқ ранггача бўлган тиниқ эритма.

Назарий осмолярлиги — 300 мосмоль/л.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Антибактериал синтетик восита (фторхинолонлар гуруҳи).

**АТХ коди:** J01MA12

### **Фармакологик хусусиятлари**

#### ***Фармакодинамикаси***

Левофлоксацин – фторхинолонлар гуруҳига мансуб бўлган синтетик антибактериал восита, офлоксацин дори воситасининг рацемик аралашмасининг S-энантиомери.

#### Таъсир механизми

Левофлоксацин фторхинолонлар гуруҳига мансуб синтетик антибактериал препарат сифатида ДНК-ДНК-гираза ва топоизомераза IV комплексига таъсир қилади.

#### Фармакокинетика/фармакодинамика нисбати

Левофлоксацин бактериал фаоллик даражаси қон зардобадаги максимал концентрациянинг ( $C_{max}$ ) ёки фармакокинетик эгри чизик (AUC) остидаги майдонининг ва минимал ингибиция қилувчи концентрациясининг (МИҚК) нисбатига боғлиқ бўлади.

#### Резистентлик механизми

Резистентликнинг асосий механизми гуг-А генларининг мутацияси натижаси ҳисобланади.

*In vitro* шароитида левофлоксацин ва бошқа фторхинолонлар орасида кесишган резистентлик мавжуд. Таъсир механизми туфайли, одатда левофлоксацин ва антибактериал воситаларнинг бошқа синфлари ўртасида кесишган резистентлик мавжуд бўлмайди.

#### Чегаравий қийматлар

Микробга қарши сезувчанликни тест қилиш бўйича Европа Қўмитаси (EUCAST) томонидан тавсия этилган сезувчан микроорганизмларни оралиқ сезувчан микроорганизмлардан (енгил резистент) ва оралиқ сезувчан микроорганизмларни резистент микроорганизмлардан ажратиш турувчи левофлоксацин учун МИҚК нинг чегаравий қийматлари, МИҚК (мг/л) тести бўйича қуйидаги жадвалида келтирилган.

**Левофлоксацин учун EUCAST МИҚК нинг клиник жиҳатдан чегаравий қийматлари**

(20.06.2006)

1 жадвал

Патоген	Сезувчан	Резистент
<i>Enterobacteriaceae</i>	≤ 1 мг/л	> 2 мг/л
<i>Pseudomonas spp.</i>	≤ 1 мг/л	> 2 мг/л
<i>Acinetobacter spp.</i>	≤ 1 мг/л	> 2 мг/л
<i>Staphylococcus spp.</i>	≤ 1 мг/л	> 2 мг/л
<i>Staphylococcus pneumoniae</i> <sup>1</sup>	≤ 1 мг/л	> 2 мг/л
<i>Streptococcus A, B, C, G</i>	≤ 1 мг/л	> 2 мг/л
<i>Haemophilus influenzae</i> <sup>2</sup>	≤ 1 мг/л	> 1 мг/л
<i>Moraxella catarrhalis</i> <sup>2</sup>		
Турларга боғлиқ бўлмаган чегаравий қийматлар <sup>3</sup>	≤ 1 мг/л	> 2 мг/л

<sup>1.</sup> Сезувчан ва оралиқ сезувчан (ўртача резистентли) штаммлар орасидаги чегаравий қиймат МИҚК ушбу микроорганизмларнинг ёввойи штаммларини ушлаб туриши мақсадида 1 дан 2 С гача оширилган, бу ушбу кўрсаткичларни ўзгарувчанлигини намоён этади. Чегаравий қийматлар юқори дозаларда даволашга тегишлидир.

<sup>2.</sup> Чегаравий қийматдан юқори бўлган МИҚК ни катта ўлчамли штаммлар сезувчан ва оралиқ сезувчан (ўртача резистентли) штаммлар орасида жуда кам учрайди ёки улар тўғрисида хабар қилинмаган. Ҳар қандай изолятда идентификация қилиш ва микробга қарши сезувчанлик тестини такроран ўтказиш лозим бўлади ва агар натижа тасдиқланса, изолят рефернс-лабораторияга жўнатилади.

<sup>3.</sup> Чегаравий қиймат МИҚК турларига боғлиқ бўлмаган, асосан фармакокинетика/фармакодинамика маълумотларидан келиб чиқиб аниқланган. Улар МИҚК маълум турларининг тарқалишига боғлиқ эмас ва фақат чегаравий қийматнинг муайян бир тури учун аниқланмаган турлари учун қўлланилади ва сезувчанликка тест қилиш тавсия этилмайди ёки шубҳали турига (*Enterococcus*, *Neisseria*, грамманфий анаэроблар) нисбатан етарли исбот мавжуд бўлмаган турлари учун қўлланилмайди.

Резистентликнинг тарқалганлиги географик жиҳатдан ва алоҳида турлар учун вақт бўйича ўзгариши мумкин, шунинг учун микроорганизмларнинг резистентлиги тўғрисида, айниқса оғир инфекцияларни даволашда локал ахборотларни олиш мақсадга мувофиқ бўларди. Зарурат туғилганида резистентликнинг маҳаллий тарқалганлиги шундай бўлсаки, инфекцияларнинг айрим турлари учун препаратнинг фойдалилигига шубҳа бўлганда, мутахассисга маслаҳат учун мурожаат қилиш керак.

Одатда сезувчан турлар

Аэроб граммузбат бактериялар

*Staphylococcus aureus* метициллинга сезувчан, *Staphylococcus saprophyticus*, С и G гуруҳларининг *Streptococci*, *Streptococcus agalactiae*, *Streptococcus pneumoniae*, *Streptococcus pyogenes*.

Аэроб грамманфий бактериялар

*Eikenella corrodens, Haemophilus influenzae, Haemophilus para-influenzae, Klebsiella oxytoca, Moraxella catarrhalis, Pasteurella multocida, Proteus vulgaris, Providencia rettgeri.*

#### Анаэроб бактериялар

*Peptostreptococcus.*

#### Бошқалари

*Chlamydomphila pneumoniae, Chlamydomphila psittaci, Chlamidia trachomatis, Legionella pneumophila, Mycoplasma pneumoniae, Mycoplasma hominis, Ureaplasma urealyticum.*

#### Орттирилган (иккиламчи) резистентлиги муаммоли бўлиши мумкин бўлган турлар

#### Аэроб граммусбат бактериялар

*Enterococcus faecalis, Staphylococcus aureus* метициллинрезистентли, *Coagulase negative Staphylococcus haemolyticus.*

#### Аэроб грамманфий бактериялар

*Acinetobacter baumannii, Citrobacter freundii, Enterobacter aerogenes, Enterobacter cloacae, Escherichia coli, Klebsiella pneumoniae, Morganella morganii, Proteus mirabilis, Providencia stuartii, Pseudomonas aeruginosa, Serratia marcescens.*

#### Анаэроб бактериялар

*Bacteroides fragilis.*

#### Табиий резистент штаммлар

Аэроб граммусбат бактериялар *Enterococcus faecium.*

\* *Staphylococcus aureus* резистентлик механизми, эҳтимол фторхинолонларга, шу жумладан левофлоксацинга нисбатан корезистентликка эга.

### **Фармакокинетикаси**

#### Сўрилиши

Перорал ва вена ичига юборгандан кейин левофлоксациннинг фармакокинетикасида дерли жиддий фарқлар йўқ.

Тенг мувозанатли ҳолатга суткада бир ёки икки маҳал 500 мг дозалаш режимида 48 соат давомида эришилади.

#### Тақсимланиши

Қон зардоби оқсиллари билан Левофлоксациннинг тахминан 30-40% боғланади. Левофлоксацин тақсимланишининг ўртача ҳажми бир марталик доза ва 500 мг ли қайта дозадан кейин тахминан 100 л ни ташкил этади, бу уни организм тўқималарида кенг тақсимланишини кўрсатади.

#### Организм суюқликлари ва тўқималарга кириб бориши

Левофлоксацин бронхлар шиллиқ пардасига, альвеоляр эпителий суюқликларига, альвеоляр макрофагларга, ўпка тўқимасига, терига (пуфакчалар суюқлиги), простата тўқимаси ва сийдикка ўтишини намоён қилган. Бироқ левофлоксацин орқа мия суюқликка қийин киради.

#### Биотрансформация

Левофлоксацин жуда паст даражада метаболизмга учрайди, дисметил-левофлоксацин ва левофлоксацин N-оксид метаболитлари бўлиб ҳисобланади. Сийдик билан чиқариладиган бу метаболитлар препаратнинг 5% дан камини ташкил этади. Левофлоксацин стереокимёвий жиҳатдан барқарор ва хирал тузилмасининг инверсиясига учрамайди.

#### Чиқарилиши

Перорал ва вена ичига қабул қилингандан кейин левофлоксацин қон плазмасидан нисбатан секин чиқарилади (ярим чиқарилиш даври 6-8 соатни ташкил этади). Одатда буйрак орқали чиқарилади (юборилган дозанинг 85% дан ортиғи). Левофлосациннинг

ўртача яққол умумий клиренси 500 мг бир дозани юборгандан кейин минутига 175±29,2 мл ташкил этган. Перорал ва вена ичига юборгандан кейин левофлоксациннинг фармакокинетикасида дерли жиддий фарқлар йўқ, бу ушбу йўлларнинг (перорал ва вена ичига) ўзаро алмашинувидан далолат беради.

#### *Чизиқлилиги*

Левофлоксацин 50 дан 1000 мг гача бўлган дозалар диапазонда чизиқли фармакокинетикага амал қилади.

#### *Буйрак етишмовчилиги бўлган пациентлар*

Буйрак етишмовчилигининг даражаси левофлоксацин фармакокинетикасига таъсир қилади. Буйрак функцияси пасайганида буйрак орқали чиқарилиш ва клиренс камаяди, ярим чиқарилиш даври эса ошади, куйидаги жадвалда келтирилганидек:

#### **2 жадвал**

Креатинин клиренси (мл/мин)	< 20	20-49	50-80
Буйрак клиренси (мл/мин)	13	26	57
Ярим чиқарилиш даври (соатлар)	35	27	9

#### *Кекса ёшдаги пациентлар*

Ёш пациентлар ва кекса ёшдаги пациентлар орасида левофлоксацин фармакокинетикаси борасида сезиларли тафовутлар йўқ, креатинин клиренси билан боғлиқ бўлган тафовутлардан ташқари.

#### *Гендерли тафовутлар*

Аёл ва эркак пациентларга нисбатан олинган алоҳида таҳлил жинсига қараб левофлоксацин фармакокинетикаси бир оз фарқ қилишини кўрсатди. Бу гендерли тафовутлар клиник аҳамиятли эканлиги борасида далиллар мавжуд эмас.

#### **Қўлланилиши**

Левофлоксацинга сезувчан бўлган микроорганизмлар келтириб чиқарадиган куйидаги инфекцияларни касалликларни даволаш учун катталарга буюрилади:

- госпитал бўлмаган пневмония;
- тери ва юмшоқ тўқималарнинг асоратланган инфекциялари (юқорида кўрсатилган инфекциялар учун левофлоксацин фақат, одатда шу инфекцияларни бошланғич даволаниши учун тавсия этилган бошқа антибактериал воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки мумкин бўлмаган ҳолатларда қўлланилади);
- ўткир пиелонефрит ва сийдик чиқариш йўлларининг асоратланган инфекциялари;
- сурункали бактериал простатит.

Антибактериал воситаларни рационал қўллашнинг расмий тавсияларини инобатга олиш зарур.

#### **Қўллаш усули ва дозалари**

Препаратни қўллашдан олдин сезувчанликка синама ўтказиш зарур. Вена ичига юбориш учун препаратни резина қопқоқ тешилганидан кейин 3 соат давомида қўлланин. Инфузияни ёруғликдан ҳимоя қилиш керак эмас. Вена ичига юбориш учун эритмани хона ёруғлигида кўпи билан 3 сутка ёруғликдан ҳимоясиз сақлаш мумкин.

Препаратни суткасига 1 ёки 2 марта секин юборилади. Дозалаш инфекция тури ва оғирлигига, шунингдек бўлиш эҳтимоли бўлган инфекция кўзғатувчисининг сезувчанлигига боғлиқ.

Креатинин клиренси минутига 50 мл дан кўпроғини ташкил этган, **буйрак функцияси нормал бўлган катта пациентларни даволаш учун**, одатда препаратнинг қуйидаги дозалари тавсия этилади:

### 3 жадвал

Кўрсатма	Доза, мг	Суткасига киритишлар миқдори	Даволашнинг давомийлиги *
Госпитал бўлмаган пневмония	500	1-2 марта	7-14 кун
Ўткир пиелонефрит	500	1 марта	7-10 кун
Сийдик чиқариш йўлларининг асоратланган инфекциялари	500	1 марта	7-14 кун
Сурункали бактериал простатит	500	1 марта	28 кун
Тери ва юмшоқ тўқималарнинг асоратланган инфекциялари	500	1-2 марта	7-14 кун

\* Пациентнинг ҳолатига кўра бир неча кундан кейин бошлангич вена ичига юборишдан худди шу дозалаш билан перорал қабул қилишга ўтиши мумкин.

Модомики, левофлоксацин асосан буйрак орқали чиқиб кетар экан, буйрак функциялари заифлашган пациентлар учун дозани камайтириш зарур.

Креатинин клиренси минутига 50 мл дан камроғини ташкил этган, **буйрак функцияси бузилишлари бўлган пациентлар** учун дозалаш

### 4 жадвал

Креатинин клиренси, мл/мин	Дозалаш режими (инфекция оғирлигига қараб)		
	250 мг/24 соат	500 мг/24 соат	500 мг/12 соат
50-20 мл/мин	биринчи доза – 250 мг, кейингиси – 125 мг/24 соат	биринчи доза – 500 мг, кейингиси – 250 мг/24 соат	биринчи доза – 500 мг, кейингиси – 250 мг/12 соат
19-10 мл/мин	биринчи доза – 250 мг, кейингиси – 125 мг/48 соат	биринчи доза – 500 мг, кейингиси – 125 мг/24 соат	биринчи доза – 500 мг, кейингиси – 125 мг/12 соат
<10 мл/мин (шунингдек гемодиализда ва САПД <sup>1</sup> )	биринчи доза – 250 мг, кейингиси – 125 мг/48 соат	биринчи доза – 500 мг, кейингиси – 125 мг/24 соат	биринчи доза – 500 мг, кейингиси – 125 мг/24 соат

<sup>1</sup> Гемодиализ ёки сурункали амбулатор перитонеал диализдан (САПД) кейин қўшимча дозалар керак бўлмайди.

**Жигар функцияси бузилишлари бўлган пациентлар учун дозалаш.**

Дозага тузатиш киритиш керак эмас, чунки левофлоксацин сезиларсиз даражада жигарда метаболизмга учрайди.

### **Кекса ёшдаги пациентлар учун дозалаш.**

Агар буйрак функцияси бузилишлари бўлмаса, кекса ёшдаги пациентларда дозага тузатиш киритишни зарурати йўқ.

Левомин вена ичига юбориш учун мўлжалланган эритма, инфузия томчилатиш йўли орқали секин юборилади. Препаратининг юбориш давомийлиги 250 мг ли доза учун камида 30 минут ёки 500 мг ли доза учун камида 60 минутни ташкил этиши керак.

Даволаш давомийлиги касалликнинг кечишига боғлиқ. Бошқа антибактериал воситаларни қўллашдаги каби Левомин препарати билан даволашни тана ҳарорати нормаллашганидан кейин ёки касаллик қўзғатувчисининг тасдиқланган микробиологик синамалардан кейин минимум 48-72 соат давомида давом этириш керак.

*Болалар.*

Препаратни болалар ва ўсмирларга (18 ёшгача) буюриш мумкин эмас, чунки бўғим тоғайнинг шикастланиш хавфи истисно эмас.

### **Ножўя таъсирлар**

Ножўя реакцияларнинг учраш тезлиги қуйидаги шартли белгилардан келиб чиқиб аниқланади: жуда тез-тез ( $\geq 1/10$ ), тез-тез ( $\geq 1/100$ ,  $< 1/10$ ), тез-тез эмас ( $\geq 1/1000$ ,  $< 1/100$ ), кам ҳолларда ( $\geq 1/10000$ ,  $< 1/1000$ ), номаълум (мавжуд маълумотлар асосида аниқлаб бўлмайди).

*Инфекциялар ва инвазиялар:* тез-тез эмас: замбуруғли инфекциялар, шу жумладан *Candida* туридаги замбуруғлар келтириб чиқарган инфекциялар, патогенли микроорганизмларнинг резистентлиги.

*Қон ва лимфатик тизими томонидан:* тез-тез эмас: лейкопения, эозинофилия. Кам ҳолларда: тромбоцитопения, нейтропения. Учраш тезлиги номаълум: панцитопения, агранулоцитоз, гемолитик анемия.

*Иммун тизими томонидан:* кам ҳолларда Квинке шиши, юкори сезувчанлик. Учраш тезлиги номаълум: ангионевротик шок, анафилактик реакциялар (баъзида ҳаттоки препаратнинг биринчи дозасини юборгандан кейин пайдо бўлиши мумкин).

*Метаболизм ва овқатланиш томонидан:* тез-тез эмас: анорексия. Кам ҳолларда: гипогликемия, айниқса қандли диабет бўлган пациентларда. Учраш тезлиги номаълум: гипергликемия, гипогликемик кома.

*Руҳият томонидан\*:* тез-тез: уйқусизлик. Тез-тез эмас: ваҳималилик, эс-хушнинг чалкашлиги, асабийлашиш. Кам ҳолларда: руҳий реакциялар (масалан, галлюцинациялар, паранойя), депрессия, ажитация, уйқунинг бузилиши, даҳшатли тушлар. Учраш тезлиги номаълум: ўз-ўзини деструктив тутиш билан боғлиқ руҳий реакциялар, шу жумладан фикрлашнинг ёки ҳаракатларнинг суицидал йўналганлиги

*Нерв тизими томонидан\*:* тез-тез: бош айланиши, бош оғриғи. Тез-тез эмас: уйқучанлик, тремор, дисгевзия. Кам ҳолларда: периферик сенсорли ёки сенсомотор нейропатия, паросмия (ҳид билишнинг бузилиши), шу жумладан аносмия; дискинезия, экстрапирамидал бузилишлар, агевзия, ҳушдан кетиш, зарарсиз мия чаноғи ичи гипертензияси

*Кўриш органлари томонидан\*:* кам ҳолларда: кўришнинг бузилишлари масалан, кўришнинг хиралашиши. Учраш тезлиги номаълум: кўришнинг транзитор йўқотилиши, увеит.

*Эшитиш органлари ва қулоқ лабиринти томонидан\*:* тез-тез эмас: вертимо. Кам ҳолларда: қулоқларда шовқинлар. Учраш тезлиги номаълум: эшитишнинг йўқотилиши, эшитишнинг

бузилиши.

*Юрак томонидан\**: кам ҳолларда: тахикардия, юрак уришини сезиш. Учраш тезлиги номаълум: қоринчали тахикардия, юракнинг тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин; қоринчали аритмия ва «пируэт» турли қоринчалар тахикардияси (асосан QT интервалнинг узайиши эҳтимоли бўлган пациентларда), электрокардиограммада қайд этилган QT интервалини пролонгацияси.

*Қон-томирлар тизими томонидан*: тез-тез: флебит (фақат вена ичига юбориш шакли). Кам ҳолларда: артериал гипотензия.

*Нафас олиш, кўкрак қафаси ва кўкс аъзолари томонидан*: тез-тез эмас: ҳансираш. Тез-тез: бронхоспазм, аллергик пневмонит.

*Меъда-ичак йўллари томонидан*: тез-тез: диарея, қусиш, кўнгил айниши. Тез-тез эмас: қоринда оғриқ, диспепсия, қорин дам бўлиши, қабзият. Учраш тезлиги номаълум: геморрагик диарея, кам ҳолларда энтероколитдан, шу жумладан псевдомембранозли колит; панкреатитдан дарак бериши мумкин.

*Жигар ва ўт чиқариш йўллари томонидан*: тез-тез: жигар ферментларининг фаоллигини ошиши (АЛТ/АСТ, ишқорли фосфатаза, ГГТ). Тез-тез эмас: қонда билирубинни ошиши.

Учраш тезлиги номаълум: сариклик ва жигарнинг оғир шикастланишлари, шу жумладан ўткир жигар етишмовчилигининг, айниқса асосий оғир касалликлари, гепатити бўлган пациентлар летал ҳолатлари

*Эндокрин тизими томонидан*: кам ҳолларда: антидиуретик гормони (SIADH) ноадекват секрецияси синдроми.

*Тери ва тери ости тўқималари томонидан*: тез-тез эмас: тошма, қичишиш, эшакеми, гипергидроз. Кам ҳолларда: эозинофилия ва тизимли симптомлари (DRESS-синдром) бўлган дориларга бўлган реакция; фиксацияланган медикаментозли дерматит. Учраш тезлиги номаълум: токсик эпидермал некролиз, Стивенс-Джонсон синдроми, полиморфли эритема, фотосенсибилизация, лейкоцитокластик васкулит, стоматит. Тери томонидан бузилишлар баъзида ҳаттоки препаратни биринчи дозасини юборгандан кейин пайдо бўлиши мумкин.

*Суюк-мушак ва бириктирувчи тўқима томонидан\**: тез-тез эмас: артралгия, миалгия. Кам ҳолларда: пайларнинг шикастланиши, шу жумладан тендинит (масалан, ахилл пайлари); мушак заифлиги, миастенияси бўлган пациентларда катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Учраш тезлиги номаълум: суюкли мушакларнинг ўткир некрози(рабдомиолиз), пайларнинг узилиши (масалан, ахилл пайини), бўғимларнинг узилиши, мушакларнинг узилиши, артрит.

*Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари томонидан*: тез-тез эмас: қон зардобиди креатини кўрсаткичларини ошиши. Кам ҳолларда: ўткир буйрак етишмовчилиги (масалан, интерстициал нефрит оқибатида)

*Умумий бузилишлар ва юбориш жойидаги реакциялар\**: тез-тез: инфузия жойидаги реакциялар (оғриқ, қизариш). Тез-тез эмас: астения. Кам ҳолларда: иситма. Учраш тезлиги номаълум: оғриқлар (шу жумладан бел, кўкрак ва кўл-оёқлардаги оғриқлар).

Фторхололонларни қабул қилиш билан ассоцияланувчи бошқа нохуш ноҳўя самаралар: экстрапирамидли симптомлар ва бошқа ҳаракат координацияси бузилишлари, аллергик васкулит, порфирияси бўлган пациентларда порфирия хуружлари.

*\*Жуда кам ҳолларда хинолонлар ва фторхинолонлар қабул қилаётган пациентларда, ёшидан ва хавф омиллари мавжудлигидан қатъий назар организмнинг турли тизимига (баъзида бир қанча) ва сезги аъзоларига (жумладан, тендинит, пайларнинг узилиши,*

артралгия, қўл-оёқлардаги оғриқлар, юришининг қийинлашиши, нейропатия билан боғлиқ парестезиялар, депрессия, чарчаиш, хотирани бузилишлари, уйқунинг бузилишлари, эшитиш, кўриш, таъмини ва ҳид билишининг бузилишлари каби реакциялар) таъсир қилувчи узоқ муддатли (бир неча ой ёки йиллар давомида), инвалидликка олиб келувчи ва потенциал қайтмайдиған жиддий ножўя реакциялар ҳақида хабарлар бўлған.

### **Қўллаш мумкин бўлмаған ҳолатлар**

- левофлоксацин ёки бошқа хинолонларга юқори сезувчанлик;
- тутқанок;
- хинолонларни аввалги қабулидан кейин, пайлар томонидан ножўя реакцияларга шикоятлар;
- ёш болалар (18 ёшгача);
- ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас.

### **Дорилари билан ўзаро таъсири**

Бошқа дори воситаларининг левомин препаратига таъсири.

*Теофиллин, фенбуфен ёки шунга ўхшаш ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари*  
Левофлоксациннинг теофиллин билан фармакокинетик ўзаро таъсири аниқланмаған. Бироқ хинолонлар теофиллин, ностероид яллиғланишга қарши препаратлар ва тиришишлар бўсағасини пасайтирадиған бошқа воситалар билан бир вақтда қўлланганда тиришишлар бўсағаси сезиларли даражада пасайиши мумкин. Левофлоксацинни фенбуфен иштирокидаги концентрацияси, фақат левофлоксацинни қабул қилгандагига нисбатан тахминан 13% га юқори бўлған.

*Пробенецид ва циметидин*

Пробенецид ва циметидин статистик жиҳатдан левофлоксациннинг чиқарилишига таъсир қилади. Левофлоксацинни буйрак клиренси циметидин иштирокида 24% га ва пробенецид иштирокида – 34% га камайди, шунинг учун, иккала препарат левофлоксациннинг каналли секрециясини блоклашга қодир. Левофлоксацинни пробенецид ва циметидин каби каналчали секрециясига таъсир қилувчи дори воситалари билан бир вақтда, айниқса буйрак етишмовчилиги бўлған пациентларга эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

*Бошқа ахборотлар*

Фармакологиянинг клиник тадқиқотлари шуни кўрсатдики, левофлоксацин куйидаги дори воситалари билан биргаликда қабул қилганда левофлоксацин фармакокинетикасига ҳеч қандай клиник аҳамиятли таъсир кўрсатмаған: карбонат кальций, дигоксин, глибенкламид, ранитидин.

Левомин препаратини бошқа дори воситаларига таъсири.

*Циклоспорин*

Циклоспориннинг ярим чиқарилиш даври левофлоксацин билан бир вақтда қўлланганда 33% га ошади.

*К витамини антагонистлари*

К витаминининг антагонистлари (масалан, варфарин билан) билан вақтда қўлланганда, коагуляцион тестларнинг кўтарилиши (ПЧ/халқаро нормаллашған нисбат) ва/ёки аниқ ифодаланиши мумкин бўлған қон кетишлар ҳақида хабарлар бўлған. Шуни ҳисобга олиб,



параллел равишда К витамини антагонистларини қабул қилаётган пациентларга коагуляция кўрсаткичларини назорат қилиш зарур бўлади.

#### *QT интервалини узайтирувчи дори воситалари*

Левифлоксацин, бошқа фторхинолонлар каби, ўзининг QT интервалини узайтириш қобилияти билан танилган дори воситаларини (масалан IA ва III синфидаги аритмияга қарши воситалар, трициклик антидепрессантлар, макролидлар, нейролептиклар) қабул қиладиган пациентларга эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

#### *Бошқа муҳим ахборот*

Левифлоксациннинг CYP1A2 ферментининг субстрат бўлган теофилин фармакокинетикасига таъсири қилмайди, шунинг учун левифлоксацинни CYP1A2 ингибитори эмас деб ҳисоблаш мумкин.

#### **Номутаносиблик**

Левоминни гепарин ёки ишқорли эритмалар билан (масалан, натрий гидрокарбонати билан), «қўллаш усули ва дозалари» бўлимида кўрсатилган дори воситалардан ташқари бошқа дори воситалари билан аралаштириш мумкин эмас.

Инфузия учун бошқа эритмалар билан аралаштириш

Леворин қуйидаги инфузия учун эритмалар билан мутаносиб:

- 0,9% ли натрий хлорид эритмаси;
- 5% ли глюкоза эритмаси;
- 2,5% ли Рингер эритмасида глюкоза;
- парентерал озиқланиш учун кўп компонентли эритмалар (аминокислоталар, карбон сувлар, электролитлар).

#### **Махсус кўрсатмалар**

Препаратни илгари хинолонлар ва фторхинолонлар қўллаганда жиддий ножўя реакциялари бўлган пациентларга буюришдан сақланиш керак. Бундай беморларни левифлоксацин билан даволашни фақат муқобил вариант бўлмаганда ва фойда/хавф нисбати синчков баҳолангандан кейин бошлаш керак.

#### *Резистентлик хавфи*

Метициллинрезистентли *S. aureus* (MRSA) учун, жуда катта эҳтимоллик билан фторхинолон, шу жумладан левифлоксацинга нисбатан корезистентликка эга. Шунинг учун левифлоксацинни маълум бўлган ёки гумон қилинаётган MRSA-инфекцияларни даволаш учун, агар лаборатория тадқиқотларининг натижалари левифлоксацинга нисбатан сезувчанликни тасдиқлаган ҳолатлардан ташқари қўллаш тавсия этилмайди.

*Escherichia coli* нинг (сийдик чиқариш йўллари инфекцияларининг энг кенг тарқалган кўзгатувчилари бўлган) фторхинолонларга нисбатан резистентлиги турли мамлакатларда ўзгариб туради. Препаратни буюриш вақтида *Escherichia coli* нинг фторхинолонларга нисбатан резистентлигини маҳаллий тарқалганлигини ҳисобга олишлари керак.

#### *Узор муддатли, инвалидликка олиб келувчи ва потенциал қайтмайдиган жиддий ножўя реакциялар*

Жуда кам ҳолларда хинолонлар ва фторхинолонлар қабул қилаётган пациентларда, ёшидан ва хавф омиллари мавжудлигидан қатъий назар организмнинг турли тизимига (баъзида бир қанча) ва сезги аъзолари (жумладан, тендинит, пайларнинг узилиши, артралгия, қўл-оёқлардаги оғриқлар, юришнинг қийинлашиши, нейропатия билан боғлиқ парестезиялар, депрессия, чарчаш, хотирани бузилишлари, уйқунинг бузилишлари, эшитиш, кўриш, таъмини ва ҳид билишнинг бузилишлари каби реакциялар) га таъсир

қилувчи узоқ муддатли (бир неча ой ёки йиллар давомида), *инвалидликка олиб келувчи ва потенциал қайтмайдиган* жиддий ножўя реакциялар ҳақида хабарлар бўлган. Ҳар қандай жиддий ножўя реакцияларнинг биринчи белги ва симптомлари пайдо бўлгандан кейин дарҳол препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокорга маслаҳат учун мурожаат қилиш керак.

#### *Юборишнинг давомийлиги*

Инфузиянинг тавсия этилган юбориш давомийлиги инфузия учун левофлоксацинни 250 мг эритмаси учун 30 минутни ёки инфузия учун левофлоксацинни 500 мг эритмаси учун 60 минутни ташкил этади.

Маълумки, офлоксацин инфузияси вақтида тахикардия ривожланиши ва артериал босимнинг вақтинча пасайиши кузатилиши мумкин. Кам ҳолларда артериал босимнинг кескин тушиб кетиши оқибатида, юрак қон-томир етишмовчилиги ривожланиши мумкин. Агар левофлоксацин инфузияси (офлоксациннинг L-изомери) вақтида артериал босимни сезиларли пасайиши кузатилса, препаратни юборишни дарҳол тўхтатиш керак.

Натрий истеъмолини назорати билан парҳез тутувчи пациентлар препарат натрий сақлашини инобатга олишлари керак

#### *Тендинит ва пайларнинг узилиши*

Тендинит ва пайларнинг узилиши (ахил пайлари билан чегараланмаган), баъзида икки томонлама узилишга хинолонлар ва фторхинолонлар билан даволаш бошлангандан кейин 48 соат давомида ва ҳаттоки левофлоксацинни суткалик доза 1000 мг қабул қилган пациентларда даволанишларни тўхтатгандан кейин бир неча ой давомида ҳам юзага келиши мумкинлиги ҳақида хабарлар бўлган. Тендинит ва пай узилишининг ривожланиши хавфи кекса ёшли пациентларда, буйрак функцияси бузилишлари бўлган пациентлар, кўчириб ўтказилган аъзолари бўлган пациентлар ва кортикостероидлар билан бир вақтда даволанаётган пациентларда ошади.

Тендинитнинг биринчи белгиларида (масалан, оғриқли шиш, яллиғланиш) препарат билан даволашни тўхтатиш ва муқобил даволашни кўриб чиқиш керак. Шикастланган қўлоёқларни тегишли равишда даволаш керак (масалан, иммобилизация). Тендинопатия беоғилари ривожланган ҳолатларда кортикостероидларни қўллаш мумкин эмас.

#### *Clostridium difficile келтириб чиқарадиган касалликлар*

Левофлоксацин билан даволаниш вақтида ёки даволанишдан кейин юзага келган диарея, айниқса оғир шакллари, персистирланувчи ва/ёки геморрагик тури, *Clostridium difficile* келтириб чиқарадиган касалликнинг симптомлари бўлиши мумкин, энг оғир шакли бўлиб псевдомембранозли колит ҳисобланади. Агар псевдомембранозли колитга шубҳа пайдо бўлса, левофлоксацин юборишни дарҳол тўхтатиш, кечиктирмасдан тутиб турувчи воситани буюриш ва тегишли даволашни қўллаш керак (масалан, ванкомицинни перорал қабул қилиш). Бундай клиник вазиятда ичак моторикасини сусайтирадиган воситаларни қўллаш мумкин эмас.

#### *Тиришишларга мойиллиги бўлган пациентлар*

Леворин инфузия учун эритмаси анамнезда тутқаноғи бўлган пациентларга қўллаш мумкин эмас. Ушбу препаратни бошқа хинолонлар билан бўлгани каби, марказий нерв тизими шикастланишлари бўлган пациентларга, фенбуфен ва унга ўхшаш ностероид яллиғланишга қарши воситалар билан бир вақтда даволашда ёки теофилин каби тиришишларга тайёргарликни оширувчи (тиришишлар бўсағасини пасайтиради) препаратларни қабул қиладиган пациентлар каби тиришишларга мойиллиги бўлган

пациентларга ўта эҳтиёткорлик билан қўллаш керак. Тиришишлари пайдо бўлган ҳолатларда левофлоксацин билан даволашни тўхтатиш керак.

#### *Глюкозо-6-фосфатдегидрогеназа танқислиги бўлган пациентлар*

Глюкозо-6-фосфатдегидрогеназининг латент ёки фаоллигининг аниқ дефектлари бўлган пациентлар хинолонлар гуруҳи антибактериал воситалар билан даволашда гемолитик реакцияларга мойиллик бўлиши мумкин, шунинг учун левофлоксацинни эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

#### *Буйрак етишмовчилиги бўлган пациентлар*

Левофлоксацин асосан буйраклар орқали чиқарилиши сабабли, буйрак функцияси кучсизланган (буйрак етишмовчилиги) беморлар учун дозага тузатиш киритиш зарур.

#### *Юқори сезувчанлик реакциялари*

Бошланғич дозани қабул қилгандан кейин левофлоксацин юқори сезувчанликнинг жиддий реакцияларини (масалан, ангионевротик шишдан анафилактик шок даражасигача) чақириши мумкин. Бундай ҳолларда пациентлар даволанишни дарҳол тўхтатишлари ва шифокорга мурожаат қилишлари керак.

#### *Оғир тери ножўя реакциялар*

Левофлоксацинни қўллаганда оғир тери ножўя реакциялари, жумладан токсик эпидермал некролиз (Лайелла синдроми), Стивенс-Джонсон синдроми ва эозинофилия ва ҳаёт учун хавфли бўлган ёки ҳатто ўлим билан яқунланадиган тизимли симптомлари (DRESS) бўлган медикаментоз реакциялари ҳақида хабарлар бўлган. Препаратни буюриш ҳолатларида пациентлар оғир тери ножўя реакцияларининг симптомлари ва белгилари ҳақида огоҳлантирилган ва синчков кузатув остида бўлишлари керак. Ушбу реакцияларни кўрсатувчи белги ва симптомлар пайдо бўлганда левофлоксацин қабул қилишни тўхтатиш ва муқобил даволашни имконини кўриб чиқиш керак. Агар пациентда левофлоксацин қабул қилиш вақтида токсик эпидермал некролиз, Стивенс-Джонсон синдроми ёки DRESS-синдроми каби оғир тери ножўя реакциялари юзага келса, бундай пациентларда левофлоксацин билан даволашни ҳеч қачон, асло қайта бошлаш керак эмас.

#### *Дисгликемия*

Бошқа хинолонлар қўллаган ҳолатлар каби қонда глюкоза даражасининг ўзгариб туриши, шу жумладан гипогликемия ва гипергликемия ҳолатлари ҳақида ҳам хабарлар бўлган, айниқса гипогликемик дори воситалар (масалан глибенкламид) ёки инсулин билан ёндош даволашлар қабул қилаётган қандли диабет бўлган пациентларда. Глипогликемик кома ҳолатлари ҳақида ҳам хабарлар бўлган. Қандли диабет бўлган пациентларда қондаги глюкоза даражасини синчковлик билан кузатиш тавсия этилади.

#### *Фотосенсибилизация профилактикаси*

Левофлоксацинни қўллаганда ёруғликка сезувчанлик ҳолатлари ҳақида хабарлар бўлган. Фотосенсибилизацияни олдини олиш мақсадида, пациентларга даволаниш вақтида ёки левофлоксацин қабул қилиш тугаганидан кейин 48 соат давомида кучли қуёш нурлари ёки сунъий УФ нурланиш (жумладан, сунъий ультрабинафша нурланиши лампалари, соляриялар) манбалари таъсиридан сақланиш тавсия этилади.

#### *К витамини антагонистларини қабул қиладиган пациентлар*

Левофлоксацинни К витамини антагонистлари (масалан, варфарин билан) билан биргаликда қабул қилган пациентларда коагуляцион тестлар кўрсаткичларининг (ПЧ/халқаро нормаллашган нисбат) ошиши ва/ёки қон кетишлар эҳтимоли сабабли, агар бу дори воситалари бир вақтда қабул қилинса коагуляцион тестларни назорат қилиш керак.

### *Рухий реакциялар*

Хинолон, шу жумладан левофлоксацин қабул қилган пациентларда рухий реакциялар ҳақида хабарлар бўлган. Жуда кам ҳолларда улар суицидал фикрлар ва ўзини деструктив тутишгача, баъзида фақат левофлоксацинни бир дозасини қабул қилгандан кейин ҳам ривожланиши мумкин. Агар пациентда ушбу реакциялар юзага келса, левофлоксацин қабул қилишни тўхтатиш ва зарур чораларини кўриш керак. Рухий бузилишлари бўлган ёки анамнезда рухий касалликлари бўлган пациентларга левофлоксацинни эҳтиёткорлик билан қўллаш тавсия этилади.

### *QT интервалининг узайиши*

QT интервалини узайиш хавфининг қуйидаги маълум омиллари бўлган пациентларга фторхинолонларни, шу жумладан левофлоксацинни эҳтиёткорлик билан қўллашлари керак:

- QT интервали узайишининг туғма синдроми;
  - ўзининг QT интервалини узайитириш қобилияти билан маълум бўлган дори воситалари (масалан, аритмияга қарши воситаларининг IA ва III синфи, трициклик антидепрессантлар, макролидлар, нейролептиклар) билан ёндош қўллаганда;
  - мувофиқлаштирилмаган электролит дисбаланси (масалан, гипокалиемия, гипомагниемия);
  - юрак касалликлари (масалан, юрак етишмовчилиги, миокард инфаркти, брадикардия).
- QT интервалини узайтирувчи препаратларга нисбатан юқори сезувчанлиги бўлган аёллар ва кекса ёшдали пациентлар. Шунинг учун ушбу гуруҳ пациентларига фторхинолонларни, жумладан левофлоксацин эҳтиёткорлик билан қўллаш керак.

### *Периферик нейропатия*

Фторхинолонларни ва хинолонларни қабул қилган пациентларда парестезия, гипестезия, дизестезия ёки ҳолсизликка олиб келган сенсорли ёки сенсомоторли полнейропатия ҳолатлари қайд этилган. Оғрик, ачишиш, санчиш, тилдан қолиш ёки ҳолсизлик каби нейропатияни симптомлари пайдо бўлган ҳолатларда, препарат қабул қилаётган пациентлар потенциал қайтмас ҳолатнинг олдини олиш учун ўзининг шифокорига хабар бериши керак.

### *Гепатобилиар бузилишлар*

Левофлоксацин қабул қилганда некротик гепатит ҳолатлари, ҳаттоки инсон ҳаётига таҳдид соладиган жигар етишмовчилигигача бўлган ҳолатлар, асосан асосий оғир касалликлари, масалан сепсис бўлган пациентларда учраши ҳақида хабарлар бўлган («Ножўя таъсирлар» бўлимига қаранг). Агар ушбу кўринишлар ва анорексия, сариклик, сийдик рангининг тўқлашиши, қорин соҳасида қичишиш ва оғрик каби жигар касаллигининг симптомлари юзага келса, пациентларга даволанишни тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш тавсия этилади.

### *Гравис миастениясининг зўрайиши*

Фторхинолонлар, шу жумладан левофлоксацин, гравис миастенияси бўлган пациентларда нерв-мушак блокада самарасига эга ва мушак заифлигининг кучайишига олиб келади. Постмаркетинг даврида жиддий ножўя реакциялар, шу жумладан летал ҳолатлар ва гравис миастенияси бўлган пациентларда фторхинолонларни қўллаш фонида нафас олишни бир маромда тутиб туриш бўйича чора-тадбирларни талаб этувчи ҳолатлар ҳақида маълум. Анамнезда гравис миастенияси бўлган пациентларга левофлоксацинни қўллаш тавсия этилмайди.

### *Кўришининг бузилиши*

Агар левофлоксацин қабул қилганда кўришнинг қандайдир бузилишлари ва кўриш аъзолари томонидан ножўя реакциялар юзага келса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак.

#### *Суперинфекция*

Левофлоксацинни қўллаш, айниқса узок вақт давомида қўллаш препаратга сезувчан бўлмаган (резистент) микроорганизмларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин. Агар даволаш вақтида суперинфекция юзага келса, тегишли чоралар кўриш керак.

#### *Лаборатор текшириш натижаларига таъсири*

Левофлоксацин қабул қилган пациентларда сийдикда опиятларни аниқлаш ёлғон-ижобий натижа бериши мумкин. Янада махсус усуллар ёрдамида опиятга нисбатан ижобий натижаларни тасдиқлаш зарурияти юзага келиши мумкин.

Левофлоксацин *Mycobacterium tuberculosis* ўсишини пасайтириши мумкин, шунинг учун туберкулезнинг бактериологик диагностикасида ёлғон-салбий натижа бериши мумкин.

#### *Аневризма ёки аортанинг қатламларга ажралиши*

Эпидемиологик тадқиқотлар фторхинолонлар қўллагандан кейин, айниқса кекса ёшли пациентларда аневризма ривожланишининг юқори хавфи ва аортанинг қатламларга ажралиши ҳолатлари ҳақида гувоҳлик беради. Шундай қилиб, анамнезда оилавий аневризма касаллиги бўлган пациентларда ёки аорта аневризма ва/ёки аортанинг қатламларга ажралиши ташҳиси бўлган пациентларга, ёки аневризманинг ривожланиши ва аортанинг қатламларга ажралишига олиб келувчи шароитлар ёки хавф омиллари мавжуд бўлганида (масалан, Марфан синдром, Элерса-Данло томирли синдроми, Такаясу артериити, гигантохужайрали артериит, Бехчет касаллиги, гипертензия, маълум атеросклероз), фторхинолонларни фақатгина фойда-хавф нисбатини синчковлик билан баҳолашдан кейин ва даволашнинг бошқа вариантларини кўриб чиқишдан кейин қўллаш керак.

Қоринда, белда ёки кўкракда тўсатдан оғриқлар юзага келган ҳолларда, пациентларга дарҳол шошилиш ёрдам шифокорга мурожаат қилишларини маслаҳат бериш керак.

#### *Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши*

Тадқиқотларнинг йўқлиги туфайли ва ўсиб келаётган организмда бўғим тоғайининг хинолонлар томонидан шикастланиши хавфи эҳтимолини назарда тутиб левофлоксацинни ҳомиладорларга ва эмизикли аёлларга буюриш мумкин эмас. Агар Левомин препарати билан даволаш вақтида ҳомиладорлик аниқланса, бу ҳақида шифокорга хабар бериш керак.

#### *Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсир*

Транспорт воситасини бошқараётган, машина ва механизмлар билан ишлаётган пациентлар нерв тизими томонидан нохуш реакциялар (бош айланиши, донг қотиб қолиш, уйқучанлик, онгни чалкашиши, эшитиш ва кўришни бузилиши, ҳаракат бузилишлари, шу жумладан юриш вақтида) эҳтимолини инобатга олишлари керак.

#### **Дозани ошириб юборилиши**

Левофлоксацинни дозасини ошириб юборилишининг башорат қилинган муҳим симптомлари марказий нерв тизимига тегишли (эҳ-хушнинг бузилиши/чалкашиши, бош айланиши, тиришишли хуружлар). Терапевтик дозалардан юқори дозаларни қўллагандаги тадқиқотлар натижаларига кўра QT интервалининг узайиши кузатилган. Доза ошириб юборилган ҳолатларда, пациентни синчковлик билан текшириш, шу жумладан ЭКГ

Ўтказиш зарур.

*Даволаш* – симптоматик. Гемодиализ, шу жумладан перитонеал диализ ёки САПД, левофлоксацинни организмдан чиқарилиши учун самарали ҳисобланмайди. Махсус антидотлар мавжуд эмас.

### **Чиқарилиши**

100 мл дан бутилкаларда, 1 бутилкадан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга пачкада.

### **Сақлаш шароити**

Ёруғликдан ҳимояланган, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилиқ муддати**

3 йил.

Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

### **Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

### **Ишлаб чиқарувчи**

«Инфузия» Хусусий акционерлик жамияти

Украина, 23219, Винницкая вил., Винницкий тумани, Винницкие Хутора қ, Немировское шоссе кўч., 84А уй.

### **Ариза берувчи**

«Инфузия» Хусусий акционерлик жамияти

Украина, 04073, Киев ш., Московский проспект, 21-А уй.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

«GENESIS PHARMA» МЧЖ.

Тошкент ш., Чилонзор тум., квартал Ц, Чупон-ота кўч., 16.

**«ОДОБРЕНО»**  
**ГУП «Государственный центр экспертизы и  
стандартизации лекарственных средств, изделий  
медицинского назначения и медицинской техники»  
Агентства по развитию фармацевтической отрасли  
при Министерстве здравоохранения Республики  
Узбекистан**  
**«30» 10 2020 г. № 23**

**ИНСТРУКЦИЯ ПО МЕДИЦИНСКОМУ ПРИМЕНЕНИЮ  
ЛЕВОМИН**

**Торговое название препарата:** Левомин

**Действующее вещество (МНН):** левофлоксацин

**Лекарственная форма:** раствор для инфузий

**Состав:**

100 мл раствора содержит:

*активное вещество:* левофлоксацин гемигидрат в пересчете на безводный 100% левофлоксацин 500 мг;

*вспомогательные вещества:* натрия хлорид, динатрия эдетат, кислота хлористоводородная разведенная, натрия гидроксид, вода для инъекций.

**Описание:** прозрачная жидкость от желтого до зеленовато-желтого цвета.

Теоретическая осмолярность — 300 мосмоль/л.

**Фармакотерапевтическая группа:** Антибактериальное синтетическое средство (группа фторхинолонов).

**Код АТХ:** J01MA12

**Фармакологические свойства**

**Фармакодинамика**

Левифлоксацин — синтетическое антибактериальное средство из группы фторхинолонов, S-энантиомер рацемической смеси лекарственного средства офлоксацина.

Механизм действия

Как антибактериальный препарат из группы фторхинолонов левофлоксацин действует на комплекс ДНК-ДНК-гиразы и топоизомеразу IV.

Соотношение фармакокинетики/фармакодинамика

Степень бактериальной активности левофлоксацина зависит от соотношения максимальной концентрации в сыворотке крови ( $C_{max}$ ) или площади под фармакокинетической кривой (AUC) и минимальной ингибирующей (подавляющей) концентрации (МИК (МПК)).

